

Сийрат дарслари (142-дарс). Қасам ичиб «иншааллоҳ» деса



17:00 / 25.06.2021 4329

530. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир нарсага қасам ичсаю, сўнгида «иншааллоҳ» деса, батаҳқиқ, истисно қилган бўлади**», дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: **«Ким қасам ичсаю, сўнг истисно қилса, агар хоҳласа, қилади, хоҳламаса, тарк этади, қасамхўр бўлмайди»**, дейилган.

Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

531. Абдурроҳман ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Ҳой Абдурроҳман ибн Самура, амирликни сўрамагин. Агар у сенга сўраш билан берилса, сен унга вакил бўлурсан. Агар у сенга сўрашсиз берилса, сенга у ишда ёрдам берилади. Бир ишга қасам ичсангу, ундан яхшисини кўриб қолсанг, қасамингга каффорот бергин-да, ўша яхшисини қилгин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

532. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида кеч қоронғисигача ўтирди. Сўнг аҳлига қайтиб борса, ёш болалари ухлаб қолган экан. Аёли унга таом келтирди. У бўлса ёш болалари туфайли таом емасликка қасам ичди. Кейин эса, фикри ўзгариб, таомни еди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, бўлиб ўтган нарсани зикр қилди. Шунда у зот: **«Ким бир нарса учун қасам ичса-ю, сўнгра ундан яхшироғини кўриб қолса, ўшани қилсин ва қасамига каффорот берсин»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан